



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 24 март, № 56 (7014)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ИШЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 23 март куни қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва ислохотларни чуқурлаштириш бўйича ишлар натижадорлигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Видеоселектор тарзида ўтказилган йиғилишда Бош вазир, унинг ўринбосарлари, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари, Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарияти, вилоятлар ҳокимлари иштирок этди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида кенг қўлмалли ислохотлар амалга оширилмоқда. Экинлардан мўл ва сифатли ҳосил олиш, соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий техника ва агрегатлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Йиғилишда юқори ҳосилдорликка эришишда агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш муҳимлиги қайд этилди. Ўз вақтида минерал ўғит берган ва суғорган фермерларнинг далаларида галланинг ҳолати қониқарли бўлиб, баравж ривожланмоқда.

Шунга қарамай, мамлакатимиз бўйича бир неча минг гектар майдонда галла етиштириш кечикмоқда. Жумладан, Тошкент, Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро ва Наманган вилоятларидаги айрим галла майдонларида шундай ҳолатлар мавжуд.

Бунинг асосий сабаби — вилоят ва туманлардаги раҳбарлар ва ирригация тизими ходимлари сувдан самарали фойдаланиш ишларини тўғри ташкил этмаган. Оқибатда галлага ақратилган сувнинг катта қисми бошқа экинларни суғоришга сарфланмоқда. Жойлардаги ҳокимлар ва ирригация тизими раҳбарларига сувдан самарали фойдаланиш, экин майдонларини ўз вақтида суғориш бўйича ишларини тўғри ташкил этиш топширилди.

Мажлисида галлани баргидан озиқлантириш, яъни суспензия сеппиш, галла майдонларига маҳал-

лий ўғит солишда белгиланган меъёrlарга амал қилиш ҳосилдорлигининг ошишида муҳим роль ўйнаши қайд этилди. Бу муҳим агротехник тадбир минерал ўғитлар самарадорлигини 6 — 8 баробар оширади ва ўсимлиkning сувга бўлган талабини 20 — 25 фоизгача камайтириш имконини беради.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларига галла майдонларига ҳимоя воситалари, жумладан, фунгицид ва гербицид аралашмаси сепишни 30 мартгача тўлиқ яқунлаш, галла майдонларига март ойида яна бир марта ва апрель ойида камида икки марта суспензия сепишни қатъий назоратга олиш вазифаси юкланди.

Йиғилишда галла ўрми-йиғими-га тайёргарлик масаласи ҳам муҳокама қилинди. Мавсумга тайёргарлик юзасидан техника воситалари созчилигини таъминлаш, мавжуд комбайнларни техник қўриқдан ўтказиш кўзда тутилган. Бу борадаги мавжуд камчиликларни қисқа фурсатларда бартараф этиш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилишда чигит экишни сифатли ўтказиш ва тўлиқ кўчат олиш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, жорий йилда 1 миллион 71 минг гектардан ортиқ майдонга чигит экиш белгиланган. Бу 2017 йилдагига нисбатан 135 минг, 2016 йилдагига нисбатан эса 184 минг гектар камдир. Кам ҳосил берадиган пахта майдонларини қисқартириш ҳисобига хариддоригр сабзавот ва полиз экинлари экиш белгиланди.

Чигит экиш мавсумини қисқа муддатда ўтказиш, тўлиқ ва соғлом кўчат ундириб олиш учун худудларда жами 3 минг 432 та ер тайёрлаш ва чигит экиш отряди ташкил

қилинган. Жорий йилда ёғингарчилик нисбатан кам бўлаётгани сабабли чигитни тупроқнинг табиий намига ундириб олиш керак. Бунинг эвазига 1 миллиард метр куб сув тежалади. Бугун Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида тупроқда етарли ҳарорат бўлиб, чигит экиш учун жуда қўлай ва оптимал шароит юзага келган.

Лекин бугунгача Сурхондарёда, бор-йўғи, 8 минг гектар ёки 11 фоиз, Қашқадарёда эса 5 минг гектар ёки 3,5 фоиз майдонга чигит экилган. Кўнлик экиш суръати ҳам 1 фоиз атрофида бўлмоқда. Вахонлики, ушбу худудларда чигит экишнинг кечикиб кетиши — ғўзанин ҳосил тўплаш даври айнан иссиқ кўнларга тўғри келиб, ҳосилнинг катта қисмини гармселга ёки ҳашаротга олдириб қўйишга сабаб бўлиши барчага маълум.

— Энг асосийси, қишлоқ хўжалигида барча муаммоларни бир-ма-бир ечиб, бир тонна пахтанинг ўртача нарҳини 3 миллион 250 минг сўм қилиб белгилаб қўйдик. Энди ҳар йилги “чигит экишга маблағ етмаепти, ёқилги йўқ” деган баҳонага ўрин қолмади, ажратилаётган маблағлар барча тадбирлар учун етати, — деди давлатимиз раҳбари.

Пахта ва галла етиштиришни молиялаштириш масаласи ҳам диққат марказида бўлди. Мавсум давомида фермерларга ўзгармас ва чекланган нархда минерал ўғит ва ёқилги-мойлаш маҳсулотлари етказиб бериш зарурилиги таъкидланди. Яқинда қабул қилинган қарорга мувофиқ, пахта-галланинг харид нарҳини харажатларни қоплайдиган ва фойдани таъминлайдиган қилиб белгилаб берилди. Шунингдек, жорий йил пахта ҳосили учун ажратиладиган имтиёзли кредит 6 триллион сўмни ташкил этиб, бу ўтган йилдагига нисбатан

3 баробар кўпдир. Энг асосийси, фермерларга бериладиган имтиёзли кредитларда минерал ўғит ва ёқилги-мойлаш маҳсулотлари учун харажатларни 100 фоиз қоплайдиган миқдорда маблағлар кўзда тутилган.

— Илгари имтиёзли кредит аниқ йўналиш бўйича ажратилиб, фермер ўз пулини мустақил сарфлай олмасди. Энди эса кредитларни тақсимлаш фермерларнинг буюртмалари асосида туман даражасида ҳал қилинади, — деди Президент. — Фермерга фақат зарар олиб келадиган, ҳосилдорлиги 15 центнердан паст бўлган ерларга пахта экишдан мутлақо воз кечдик. Эндиликда бундай майдонларга юқори даромадли экспорт-боп экинлар экилади.

Йиғилишда томорқалардан самарали фойдаланишни ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Фермерлар кенгаши фаолияти талабга жавоб бермагани учун тугатилиб, унинг ўрнига Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ташкил этилди. Кенгашнинг аҳоли ва деҳқон хўжаликларига тегишли унумдор томорқа ерларидан фойдаланишни ташкил этиш бўйича ишлари мутлақо талабга жавоб бермаслиги таъкидланди. Маҳаллий ҳокимликлар ҳам бу соҳага етарли эътибор қаратмаётгани кўрсатиб ўтилди.

Яқинда Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятларида томорқа ер майдонларидан фойдаланиш ҳолати ўрганилгани қайд этилди. Ушбу вилоятларнинг баъзи туманларида томорқа ерларидан самарали фойдаланилмаётгани аниқланган. Аксарият аҳолининг 8 — 10 сотих томорқа ери бўлсада, ҳеч нарса эрмаган.

Давлатимиз раҳбари кичик

томорқадан мўл ҳосил олиб, оиласини боқаётган, катта даромад топаётган меҳнатсевар одамларни ўрнат қилиб кўрсатди.

— Чўп сўқсанг, кўкарадиган еримиз бор, меҳнатсевар халқимиз бор. Лекин томорқа ерларидан — шундай катта резервдан фойдаланмаямиз. Шунинг учун бугундан бошлаб “Томорқага экин экиш” ойланини эълон қилиб, ҳар бир томорқага экин экишни ташкил этиш керак. Агар ҳозир экмасак, кейин кеч бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу борада аҳолига қўмаклашиш мақсадида барча туманларда “Томорқа хизмати” корхоналарини ташкил этиш, улар орқали томорқалар учун кўчат, минерал ўғит, кимёвий препаратлар етказиб бериш, механизация ва бошқа сервис хизматлари кўрсатиш бўйича тизим яратиш юзасидан топшириқ берилди. Шу хизматлар етиштирилган ҳосилни харид қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва экспорт қилиш билан ҳам шуғулланади.

Йиғилишда мева-сабзавот, картошка, узум ва полиз маҳсулотлари етиштириш билан боғлиқ ишлар ҳам муҳокама қилинди. Жорий йилда 2017 йилдагига нисбатан 24 фоиз кўп маҳсулот етиштириш режалаштирилгани қайд этилди.

Ушбу режадаги мева-сабзавотларни сифатли етиштириш, халқ истеъмоли учун гамлаш, белгиланган қисмини экспорт қилишни таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда юқорида қайд этилган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш, барча турдаги экинлардан мўл-қўл ҳосил олиш юзасидан мутасаддиларга тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Ў.А.

АФҒОНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Афғонистон Ислон Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Фани 2018 йил 26 март куни амалий ташриф билан Тошкент шаҳрига келади.

Икки давлат раҳбарлари 27 март куни «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзuida Афғонистон бўйича юқори даражадаги халқаро конференцияда иштирок этади ва сўзга чиқади.

Ташриф дастурида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Афғонистон Президенти Муҳаммад Ашраф Фани музокара ўтказиши ҳам кўзда тутилган.

Ў.А.

Анжуман

Афғонистон бўйича Тошкент халқаро конференцияси юқори савияда ўтказилади

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан шу йилнинг 26-27 март кунлари “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзuida Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси бўлиб ўтади. Кеча пойтахтимиздаги Симпозиумлар саройида ушбу нуфузли анжуманнинг матбуот маркази очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда турли вазирликлар ҳамда идоралар масъул вакиллари, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари, сиёсатшунослар, экспертлар қатнашди.

Анжуманда “Ўзбекистон ҳамда Афғонистон халқлари ўртасидаги тарихий, маданий ва цивилизациявий яқинлик”, “Ўзбек — афгон муносабатлари: ривожланишнинг янги босқичи”, “Афғонистондаги можарони тинч йўл билан ҳал қилиш бўйича халқаро ташаббуслар” каби мав-



зуларда маърузалар тингланди.

Қайд этилганидек, Марказий Осиёнинг деярли барча мамлаката билан чегарадош бўлган Ўзбекистон минтақада тинчлик ҳамда барқарорлик тарафдоридир.

(Давоми 3-бетда).



Эксперт фикри

Тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш йўлида амалий саъй-ҳаракатлар

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан яқин қўшнилар билан конструктив ва ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатиш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилаб берилди.

Марказий Осиёда ишонч муҳитини қарор топтириш йўлида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар Тошкентга чегара ҳамда сувдан фойдаланиш сингари мурраккаб ва нозик масалаларда туб бурилиш яшаш имконини берди. Бу муаммолар йиллар давомида ечилмасдан, минтақадаги тангликка сабаб бўлаётган эди. Ўтган йили Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 20 фоиз ўсиб, қарийб 3 миллиард АҚШ долларига етди. Президентимиз Марказий Осиё давлатлари раҳбар-

ларининг Остона шахрида бўлиб ўтган маслаҳат учрашувида яқин йилларда ўзаро савдо ҳажмини 5 миллиард АҚШ долларига етказиш мўлжалланаётганини таъкидлади.

Айни пайтда минтақадаги барқарорлик ҳамда изчил тараққиёт бевосита қўшни Афғонистонда тинчлик ва осийишталик қарор топиши билан узвий боғлиқдир. Бинобарин, ушбу мамлакат Марказий Осиёнинг ажралмас қисми бўлган ҳамда шундай бўлиб қолажак.

(Давоми 3-бетда).



Эксклюзив интервью

Памела СПРАТЛЕН: «БИЗ ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МИНТАҚАДАГИ ТАШАББУСЛАРИ ВА ФАОЛЛИГИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ»

Ўтаётган сўнги икки йилда Ўзбекистон ташқи сиёсати принципиал жиҳатдан мутлақо янгича қийфа касб этди. Мазкур стратегик фаолият минтақада яхши қўшничилик ва ҳамжиҳатлик муҳитини чуқур қарор топтириш, узоқ-яқин давлатлар билан тинчлик, дўстлик, ҳар томонлама конструктив сиёсий мулоқот ҳамда прагматик иқтисодий ҳамкорлик олиб боришдек халқпарварлик, тинчликсеварлик мезонларига асосланади.

Зеро, ташқи сиёсатга бундай ёндашув бугун ва келажак нуктаи назаридан улкан тарихий аҳамиятга эга бўлиб, нафақат сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалар тараққиётини юксак босқичга олиб чиқади, балки халқларимиз дунёқарашини, тафаккурини мутлақо ўзгартириб, ўзаро муносабатларда мустақкам ишонч муҳитини шакллантиради. Таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон ташаббуслари минтақа сиёсий ҳаётига янгилашни нафасини олиб кирапти.

Эътиборлиси, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ҳам ана шундай тамойиллар асосида изчил суръатларда ривожланаётир. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ушбу давлат раҳбари Дональд Трамп билан учрашуви, телефон орқали мулоқоти, энг долзарб масалаларда ўзаро фикр алмашилгани, АҚШ томонидан Ўзбекистоннинг минтақадаги, жумладан, Афғонистон бўйича ташаббуслари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва муқтор элчиси Памела Спратлен билан уюштирган суҳбати-



мизда бу борадаги ҳамкорлик алоқалари, унинг истиқболлари, минтақавий масалаларда ўзаро муҳокамаларни чуқурлаштириш каби йўналишлар ҳақида сўз борди.

— **Келинг, суҳбатимизни кейинги йилларда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорлик алоқалари қандай суръатларда ривожланиб бораётгани хусусида бошласак.**

— Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ БАНК ХИЗМАТЛАРИ ОММАБОПЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида банк тизимида хизматлар кўрсатишнинг бозор механизмлари жорий этилмоқда, уларнинг турлари кенгаймоқда, тадбиркорлар ва аҳоли учун молиявий очиклик ошиб бормоқда.

Аҳоли учун валютани айирбошлаш амалиётларини амалга оширишни енгиллаштирувчи янги банк хизматлари жорий этилди, яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан чет эл валютасини сотиб олиш учун имкониятлар яратилди.

Шу билан бирга, банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига, айниқса, худудларда риоя этиш ҳамда молиявий очиклиқни кенгайтириш, шунингдек, хизмат кўрсатиш маданияти ва банк тизимига бўлган ишончнин янада оширишда бир қатор муаммо ва камчиликлар қузатилмоқда. Хусусан:

биринчидан, кредитларни ажратиш бўйича қарор қабул қилишда ваколатлар ҳаддан ташқари марказлашганлиги бош банклар ва уларнинг филиаллари ўртасидаги жавобгарликнинг аниқ чегараланишига тўқинлик қилмоқда;

иккинчидан, кредит буюртмаларини қўриб чиқишнинг мураккаб механизмлари кредитларни тезкор олиш имкониятларини чегараламоқда;

учинчидан, тижорат банклари томонидан микроқарзлар ажратилиши имкониятининг мавжуд эмаслиги микроқарзларни олиш даражасини оширишни таъминламаепти, микрокредит ташкилотлар ва ломбардларнинг хизматлари бўйича юқори фоиз ставкалари аксарият ҳолатларда истеъмолчиларнинг молиявий ҳолати ёмонлашишига олиб келмоқда;

тўртинчидан, чакана банк хизматлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

БАНК ХИЗМАТЛАРИ ОММАБОПЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

◀(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қўрсатиб ўтилган муаммоларни бартараф этиш, банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш ва инновацияларни ривожланиш-нинг тенденцияларини инobatга олган ҳолда молиявий очиклик даражасини ошириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Белгилансинки, банк хизматларининг оммабоплигини оширишни таъминлаш ва банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг таркибий тузилмасида банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, молиявий очиклиكنи ва аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларининг молиявий саводхонлигини ошириш асосий вазифалари бўлган Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хизмати ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифаларини бажаришда:

банк тизимида таъминли камчиликлар ва банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари бузилишларини аниқлаш, шунингдек, уларнинг олдини олишга;

банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўйган кредит ташкилотларига нисбатан жавобгарлик чоралари кўрилишини таъминлашга;

банк хизматлари истеъмолчиларининг бузилган ҳуқуқларини тиклашда маслаҳат бериш ва кўмаклашишга;

молиявий очиклик даражасини ошириш ва банк хизматлари истеъмолчиларининг саводхонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 июлдан тижорат банклари:

дастлабки рухсатларсиз ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатларсиз мижозларга бевосита хизмат кўрсатиш ҳудудига тўсқинликсиз кириш;

мижозлари дастлабки қабул қилиш маъмурият ходимларидан кўрсатилаётган банк хизматлари тўғрисида дастлабки маслаҳатларни олиш;

кредит (микроқарз) бериш тўғрисидаги қарорни қабул қилишнинг босқичма-босқич жараёнини ва кредит (микроқарз) бериш тўғрисида хабардор қилиш ёки уни беришни асосли рад этиш тартибини кўрсатган ҳолда кредит буюртмаларини шафдофлик асосида рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш учун шароитларни яратади.

4. Кредит ташкилотларига:

микроқарз шартномалари, шунингдек, ломбардлар томонидан тузилган кредит шартномалари бўйича йиллик қарз суммасининг ярымдан кўп миқдорида фоизлар ҳисоблаш, комиссия ундириш ва неустойка (штраф, пеня), жавобгарлиكنинг бошқа чораларини қўллаш;

кредит буюртмаларини кўриб чиқиш, ссуда ҳисоб рақамларига хизмат кўрсатиш, кредитлар ажратиш учун тўловлар, шунингдек, жисмоний шахслар ва кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кредитлар (микроқарзлар)ни муддатидан илгари қоплаш учун неустойка ундириш тақиқланади.

5. Тижорат банкларига:

банк фаолиятининг илғор халқаро тажрибасини ўрганиш ва банк хизматлари ва маҳсулотларининг янги турларини жорий этиш;

банк хизматларига бўлган талаб ва ўзини қоплашни инobatга олган ҳолда банк филиаллари ва минибанклари тармоғини кенгайтириш;

филиалларнинг кредит ажратишда бош банклар билан қўшимча келишувсиз мустақил қарорлар қабул қилиш бўйича ҳуқуқларини кенгайтириш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

а) 2018 йил 1 апрелга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жисмоний шахслар томонидан халқаро тўлов карталарига сотиб олинган хорижий валютани тижорат банклари томонидан белгиланган лимитлар доирасида нақд шаклда ечиб олиш механизмини жорий этсин;

б) 2018 йил 1 апрелга қадар тижорат банклари билан биргаликда хорижий валютанинг олди-сотди операцияларини амалга ошириш ва халқаро тўлов карталаридан пул маблағларини хорижий ва миллий валютадаги муддатли омонатларга ўтказишни таъминловчи жисмоний шахсларнинг ҳисобварақларини масофадан туриб бошқариш тизимини жорий этсин;

в) 2018 йил 1 майга қадар:

Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатлар амалга оширилишида тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

тижорат банкларига микроқарзлар ажратиш ҳуқуқи берилишини назарда тутувчи қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари кредит ташкилотлари томонидан бузилган тақдирда уларга нисбатан Марказий банк томонидан санкциялар қўлланилиши юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшимчалар киритсин;

потенциал қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиқ даражасини баҳолаш ҳамда жисмоний шахсларга ва кичик тадбиркорлик субъектларига кредитлар (микроқарзлар) ажратиш муддатларини қисқартириш имконини берувчи тижорат банклари томонидан ўз скоринг моделини яратиш имконига эга бўлган кредит бюросида скоринг моделининг мавжудлиги бўйича талаб ўрнатилишини назарда тутувчи низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

г) 2018 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда банклар — маҳаллий ва халқаро банк карталари бўйича ҳисоб-китоблар иштирокчилари ўртасида ахборот ва технологик ўзаро муносабатларни таъминловчи ҳамда асосий вазифалари қўйидагилар этиб белгиланган Миллий банк процессинг марказини яратиш Концепциясини ишлаб чиқсин:

транзакцияларнинг хавфсиз ва узлуксиз амалга

оширилишини таъминловчи миллий чакана тўлов тизимини тузиш ва ривожлантириш;

қулай тўлов хизматларини яратиш ва ривожлантириш; нақд пулсиз тўловларни амалга оширишда инновацион маҳсулотларни, шу жумладан, бевосита мулоқотсиз ва мобилъ технологияларни ривожлантириш ҳамда илгари суриш;

бевосита мулоқотсиз ва мобилъ технологияларни, биринчи навбатда, ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш, транспорт, савдо, умумий овқатланиш соҳаларида, айниқса, ҳудудларда жорий этиш;

халқаро тўлов тизимлари билан ўзаро ҳамкорлиكنи таъминлаш;

д) 2018 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва тижорат банклари билан биргаликда норезидентларнинг тўлов карталари барча тўлов терминаллари тармоғи орқали қабул қилинишини таъминловчи маҳаллий тўлов тизимларини асосий халқаро тўлов тизимлари билан интеграциялаш жараёнини тугалласин;

е) 2018 йил 1 ноябрга қадар тижорат банклари билан биргаликда туристлар кўпроқ борадиган жойларда қону тун режимда ишловчи автоматлаштирилган валюта айирбошлаш шохобчалари ташкил этилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон банклари ассоциациясига банк хизматлари оммабоплигини ошириш ва банк фаолиятини такомиллаштиришдаги ролини кучайтиришга қаратилган, шу жумладан, қўйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш тавсия этилсин:

Ўзбекистон банклари ассоциацияси фаолияти самарадорлигини янада ошириш Концепциясини тасдиқлаш;

банк тизими ходимларининг касбий маҳоратини ошириш, илғор халқаро тажрибадан келиб чиқиб хорижий банклар билан тажриба алмашишни йўлга қўйиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш юзасидан тадбирларни амалга ошириш;

банк хизматлари оммабоплигининг долзарб муаммолари, халқаро тажрибани ўрганиш ва уни республика банк хизматлари бозорида қўллаш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш, банклар ва уларнинг мижозлари учун ахборот-таҳлилий ва консалтинг хизматларини ташкил этиш юзасидан мавзуга оид изланишлар олиб бориш;

масофавий банк хизматлари кўрсатишни ривожлантириш бўйича замонавий ва илғор банк хизматларини амалиётда рўёбга чиқариш ташаббусларини илгари суриш, янги ахборот технологияларини жорий этиш;

банк хизматларининг янги турлари ва маҳсулотларини аниқлаш ҳамда уларни кейинчалик республика банкларида татбиқ этиш мақсадида илғор чет эл банкларининг фаолиятини ўрганиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 январга қадар муддатда:

жамғариб бориладиган пенсия тизимидаги фуқаролар учун ҳисобланган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига фуқароларнинг ҳисобланган сугурта бадаллари;

солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисобланган қарздорликлари;

идентификациялаш учун жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектлари;

жисмоний шахсларнинг мулк ва бошқа олган даромдлари;

юридик шахсларнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги ахборотларни олиш имконини берувчи давлат органлари ва кредит бюро ўртасида маълумотларни қайта ишлаш ва электрон алмашиш Ягона идоралараро ахборот тизимини яратсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тижорат банкларига филиаллар, минибанклар ва автоматлаштирилган валюта айирбошлаш шохобчаларини ташкил этишга зарур бўлган ер участкаларини ўрнатилган тартибда ажратишда кўмаклашсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва тижорат банклари томонидан ишлаб чиқилган банкوماتлар тармоғини қўшимча кенгайтиришнинг 2018 йилга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ маъқулансин.

11. Тижорат банклари ва процессинг ташкилотлари томонидан олиб кириладиган божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) 2020 йил 1 январгача бўлган муддатга озод этиладиган ускуналар, дастурий таъминот, тўдирувчи ва бошқа материаллар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

12. Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан тақдим этиладиган тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг амалдаги механизмини банк кредитлари бўйича фоизли харажатларнинг айрим қисмларини қоплашда республика ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда табақалаштирилган ёндашув услубини қўллаш асосида қайта кўриб чиқсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг иҳросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж. А. Кўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг раиси М. Б. Нурмуратов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 23 март	

Памела СПРАТЛЕН: «БИЗ ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МИНТАҚАДАГИ ТАШАББУСЛАРИ ВА ФАОЛЛИГИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ»

◀(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Булар мамлакатингиз раҳбари томонидан иқтисодийёт, суд тизими, қонун ус-туворлиги, соғлиқни сақлаш ва фуқа-ролик жамияти жабҳаларида олиб бо-рилаётган ислохотларнинг кенг йўна-лишларини қўллаб-қувватлашга оиддир. Биз Ўзбекистон ўз иқтисодиёти ва сиёсий тизимини модернизация қилиш-да давом этишига умид билдираимиз. Айни чоғда Ўзбекистоннинг яқин кўшни-лари билан ўзаро алоқалари, хусусан, Афғонистонда тинчликни мустаҳкамлаш ҳамда трансмилий таҳдидларга қарши кураиш бўйича ишлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолаймиз.

— *Интервьюларингиздан бири-да ҳозирги Ўзбекистон ғайратга тўла эканлигини эътироф этган эдингиз. Сизнинг фикрингизча, бу айнан нималарда кўринади?*

— Ўзбекистон — меҳмондўст инсон-лар яшайдиган ёш, куч-ғайратга тўла давлат. БМТ Тараққиёт дастури маъ-лумотларига кўра, бу ерда истиқомат қилувчи аҳолининг 58,5 фоизи хали 30 ёшдан ошмаган. Бинобарин, инсон капитали мамлакатнинг энг катта ре-сурсларидан бири экан, ўйлашимча, мазкур статистика фақат бир нарсадан, у ҳам бўлса давлатингизнинг келажа-даги салохияти қувватидан далолат бе-ради! Ғайрат ва салохиятнинг бошқа манбалари сифатида эса географик жойлашув ҳамда буюк тарих ҳисобла-нади. Айримлар денгизга чиқиш йўлла-ридан икки давлат ҳудуди сабаб узок-да жойлашган мамлакат фойда кўрмай-ди, деб ҳисоблайди. Лекин Ўзбекистон минтақадаги барча мамлакат билан чегарадош бўлган Марказий Осиёнинг ягона давлати сифатида бундан фақат ютади.

Америка Қўшма Штатлари Жанубий ва Марказий Осиё минтақаси билан иқтисодий алоқаларни кенгайтириш

бўйича ташаббусларни қўллаб-қув-ватлаб келади. Бу Ўзбекистон ва бу-тун минтақада иқтисодий ўсиш ҳамда аҳоли турмуш даражасини ошириш ҳисобига ушбу мамлакат салохиятини рўёбга чиқаришда калит вазифасини бажариши мумкин. Айни чоғда Ўзе-бкстондаги қадимий Буюк Ипак йўли-

Ўзбекистон Афғонистонда барқарорлик ҳукм суришини қўллаб-қувватламоқда ва унинг келажагида муҳим роль ўйнайди. Бизнинг ҳозирги ҳамда келгусидаги ҳамкорлигимиз Ўзбекистон ва унинг барча қўшниси, шу жумладан, Афғонистонга фойда келтирадиган минтақавий ёндашувларга туртки бўлиши мумкин.

нинг диққатга сазовор жойлари туризм ва маданий алоқаларни ривожланти-риш бўйича катта истиқболларни тақ-дим этади.

— *Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг минтақавий маса-лалар ечимидаги роли ҳамда ташаббуслари ҳақида қандай фикрдасиз?*

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиёдаги ҳар бир давлатга ташрифи савдо-сотик, маданий алоқа-лар ва умумий иқтисодий тараққиётда янги имкониятларни очиб беради. Ўзе-бкстон ўз қўшнисига чегаралари де-маркация қилиш муаммосига ечим то-пиш, савдо ва транспорт коридорлари яратиш, сув ресурсларидан биргалик-да фойдаланиш бўйича келишмовчилик-ларга чек қўйиш ҳамда Фарғона водий-

си аҳолисига чегаранинг у ёғидаги қўшни давлатга бориш учун шароитлар яратиб бериш бўйича мурожаати ҳозир-ча биз кузатиб келаётган энг муҳим гадамлардандир. Биз бундай ташаббус-ларни эътироф этган ҳолда, Президент Шавкат Мирзиёевнинг минтақадаги фа-оллигини олқишлаймиз.

— *Биласиз, 26-27 март кунлари Тош-кентда Афғонистон бўйича халқаро кон-ференция бўлиб ўтади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Президентига АҚШ Президенти мактуб йўллади. Унда, жум-ладан, Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп томони-дан Ўзбекистон Президентининг мин-тақавий ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари катта муваффа-қиятлар келтиргани алоҳида таъ-кидлаб ўтилган. Бу борада ўз фикр-ларингиз билан ўртоқлашсангиз.*

— Аввало, айтиш керакки, ўтган йил сўнгига Президентлар Трамп ва Мирзиёев телефон орқали мулоқот қилишди. Улар суҳбат давомида минтақавий хавфсизлик, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги роли ҳамда унинг Президент Трампнинг Жа-нубий Осиёга нисбатан стратегияси ва АҚШнинг Афғонистон бўйича саъй-ҳара-катларини қўллаб-қувватлаши муҳока-ма қилинди. Президент Трамп Ўзбекистон-нинг савдо-сотикни кенгайтириш ҳамда террорчилик хуружлари бўйича хавф-сизлиكنи ошириш учун шароитларни ислоҳ этишга қаратилган интилишлари-ни эътироф этди. Ўз навбатида, АҚШ-даги юқори мартабали давлат мулозим-

лари, хусусан, икки нафар Давлат ко-тиби биргаликдаги саъй-ҳаракатлар би-лан хавфсизлик ва юксалишни таъмин-лаш мақсадида Америка Қўшма Штат-лари ҳамда Марказий Осиёдаги бешта мамлакатни бирлаштирадиган “С5+1” шаклида ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб боришга чакирди. Зотан, АҚШ Ўзбекистон билан ишончли шерик бўлиб турибди. Биз ҳукуматларимиз ва халқларимиз ўртасидаги кўп қиррали алоқаларни юқори баҳолаймиз. Афғо-нистон раҳбарияти ва афғон томони иштирокида ушбу мамлакатдаги хавф-сизлик ва барқарорлики таъминлаш бўйича олиб бораётган саъй-ҳаракат-ларимиз ҳамда Президентимизнинг Жанубий Осиёга нисбатан янги стратегияси Ўзбекистон томонидан қўллаб-қувватланганини юксак даража-да эътироф этамиз.

— *Афғонистон бўйича Тошкент-да бўлиб ўтадиган халқаро кон-ференция ушбу давлатдаги вазиятни барқарорлаштиришда қандай роль ўйнаши мумкин?*

— Ўзбекистон Афғонистонда барқа-рорлик ҳукм суришини қўллаб-қувват-ламоқда ва унинг келажагида муҳим роль ўйнайди. Бизнинг ҳозирги ҳамда келгусидаги ҳамкорлигимиз Ўзбекистон ва унинг барча қўшниси, шу жумладан, Афғонистонга фойда келтирадиган мин-тақавий ёндашувларга туртки бўлиши мумкин. Яна бир бор таъкидлашни ис-тардимки, Ўзбекистоннинг Жанубий Осиё бўйича стратегия доирасида Аф-ғонистондаги саъй-ҳаракатларимизга қўшаётган ҳиссасини муносив баҳолай-миз ҳамда хавфсизликка солинаётган реал трансмилий таҳдидларга қарши курашишда Ўзбекистон билан ҳамкор-лик қилиш тарафдоримиз.

Санджон МАХСУМОВ
суҳбатлашди.

Янгилик



Дўстлик ришталарини мустаҳкамловчи яна бир лойиҳа

Ўзбекистон ва қўшни мамлакатлар ўртасидаги алоқалар тобора мустаҳкамланмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли илгари айрим сабабларга кўра ёпилган чегаралар қайта очилди. Янги йўллар барпо этилди. Буларнинг барчаси азалий жондош ва ёндош давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириб, тили, дини, урф-одатлари, тўю маъракалари бир бўлган халқлар ўртасидаги илиқ муносабатларнинг кучайишига хизмат қилаётир.

Эътиборлиси, мана шундай та-шаббуслар боис, узок йиллар да-вомида қўриша олмаган ака-укалар, опа-сингиллар ёки фарзандлар ота-онаси билан дийдорлашиш бахтига муяссас бўлишди. Қолаверса, улар шу кунларда республикамиз бўйлаб давом этаётган Наврўз тантанала-рида қатнашишяпти.

Давлатлараро дўстона муноса-батлар эзгуликка хизмат қилувчи янги лойиҳалар рўёбида ҳам яққол намоён бўлаётир. Жорий йилнинг 22 март санасидан Тошкент — Биш-кек — Балиқчи — Тошкент йўнали-ши бўйлаб йўловчи поездди қатнови йўлга қўйилгани фикримиз тасди-ғидир. Шу муносабат билан Тош-кент вокзалида “Ўзбекистон темир

Халқ сўзи

жамғариб бориладиган пенсия тизимидаги фуқаролар учун ҳисобланган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига фуқароларнинг ҳисобланган сугурта бадаллари;

солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисобланган қарздорликлари;

идентификациялаш учун жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектлари;

жисмоний шахсларнинг мулк ва бошқа олган даромдлари;

юридик шахсларнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги ахборотларни олиш имконини берувчи давлат органлари ва кредит бюро ўртасида маълумотларни қайта ишлаш ва электрон алмашиш Ягона идоралараро ахборот тизимини яратсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тижорат банкларига филиаллар, минибанклар ва автоматлаштирилган валюта айирбошлаш шохобчаларини ташкил этишга зарур бўлган ер участкаларини ўрнатилган тартибда ажратишда кўмаклашсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва тижорат банклари томонидан ишлаб чиқилган банкوماتлар тармоғини қўшимча кенгайтиришнинг 2018 йилга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ маъқулансин.

11. Тижорат банклари ва процессинг ташкилотлари томонидан олиб кириладиган божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) 2020 йил 1 январгача бўлган муддатга озод этиладиган ускуналар, дастурий таъминот, тўдирувчи ва бошқа материаллар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

12. Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан тақдим этиладиган тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг амалдаги механизмини банк кредитлари бўйича фоизли харажатларнинг айрим қисмларини қоплашда республика ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда табақалаштирилган ёндашув услубини қўллаш асосида қайта кўриб чиқсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг иҳросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж. А. Кўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг раиси М. Б. Нурмуратов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 23 март	

Афғонистон бўйича Тошкент халқаро конференцияси юқори савияда ўтказилади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Халқимизнинг “Қўшнинг тинч, сен тинч” деган ибораси ҳам Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатмай, у ердаги низоларни ҳал қилмасдан Марказий Осиё мамлакатлари олдида турган умумий мақсадларга эришиш мушкул эканлигини тасдиқлаб турибди.

Шавкат Мирзиёев Президентлик фаолиятининг илк кунларидаёқ илгари сурган амалий ташаббуслар ўзбек — афгон муносабатларини сифат жиҳатидан янги bosқинга олиб чиқди. Давлатимиз раҳбари минтақавий ҳамда халқаро хавфсизликни таъминлашда Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишнинг стратегик аҳамиятини инобатга олиб, энг юқори минбарлардан туриб, жаҳон афкор оммасининг эътиборини афгон можаросини ҳал қилиш заруратига қаратаётир. Хусусан, Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида, орадан бир ой ўтиб, МДХ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида ҳамда 2017 йилнинг ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида ўтган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқида Марказий Осиёдаги хавфсизликка таҳдидларни “Ўзиники ва ўзгаларники” деб ажратишдан воз кечиб, “яқлит хавфсизлик” тамойилига амалда риоя қилиш зарурлиги, Афғонистондаги тинчликка фақатгина музокаралар йўли билан эришиш мумкинлигини тасдиқлаб ўтган эди. Президентимизнинг қатъий фикрига кўра, дошиманд афгон халқи ўз тақдирини ўзи мустақил ҳал қилишга ҳақлидир.

Ўзбекистон ҳамда Афғонистон ўртасидаги муносабатлар икки мамлакат халқларининг фаровонлигини оширишга, шунингдек, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашга, кўп томонлама сиёсий ҳамкорлигини мустақамлаш ҳамда савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга қаратилган билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон ва Афғонистоннинг конструктив ҳамда дўстона муносабатлар ўрнатиш борасидаги жиддий интилишлари 2017 йилда томонлар ҳамкорлиги учун мисли қўрилмаган даражадаги истиқбол эшикларини очди, дейиш мумкин.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилаётган “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусидаги конференция халқаро доираларда катта қизиқиш уйғотди. Чунки бу конференция нафақат минтақамиз, балки бошқа ҳудудларга ҳам таъсир ўтказаятган Афғонистон масаласига бағишланган. Унда 20 дан ортиқ давлатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар делегациялари иштирок этади.

Жумладан, Афғонистон Ислom Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани, БМТнинг Афғонистондаги махсус вакили Тадамити Ямамото, Европа иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Федерика Мoгeрини Тошкентга кeлади.

АҚШ Давлат котибининг сиёсий

масалалар бўйича ўринбосари Томас Шэннон, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров, Эрон Ислom Республикаси ташқи ишлар вазири Жавад Зариф, Покистон Ислom Республикаси ташқи ишлар вазири Муҳаммад Асиф ҳам конференцияда қатнашишини расман билдирган.

Шунингдек, Хитой, Қозoғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Ҳиндистон, Япония, Туркия, Буюк Британия, Германия, Италия, Франция, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари каби давлатлар делегациялари ҳам иштирок этиши кутилмоқда.

— Мамлакатларимиз тарихида бир-бирига боғлиқ жиҳатлар кўп, — дейди Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессори,

Конференция ишини ёритиш учун 300 га яқин оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтди. Улар орасида Америка Қўшма Штатларининг “The New York Times” газетаси, Хитой Халқ Республикасининг “Жэньминь Жибао” наشري, Буюк Британиянинг “BBC” компанияси, Япониянинг “NHK” корпорацияси, Россиянинг “Независимая газета” каби нуфузли оммавий ахборот воситалари бор.

тарих фанлари доктори Шерзод Абдуллаев. — Масалан, биргина маънавий йўналишдаги ришталар ҳақида сўз юритсак, хазрат Алишер Навоий ва яна бир қанча улугларимизнинг мангу қўним толган масканлари ҳам афгон заминида жойлашган. Тарихий ва геосиёсий жиҳатдан Афғонистон минтақанинг ажралмас қисми ҳисобланади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон ва Афғонистон Ислom Республикаси ўртасидаги муносабатлар янги bosқинда ривож топапти. Булажак халқаро конференция жаҳон ҳамжамиятининг Афғонистонда тинчлик ҳақида совет контингентини жойлаштиришдан то БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2001 йил 20 декабрдаги қарорига мувофиқ, халқаро коалициянинг Афғонистонда ҳарбий амалиётларни бошлашигача, шунингдек, “Ислom давлати” деб аталуви террористик гуруҳ таъсири ёйилишигача тўхтади.

В. Норовнинг таъкидлашича, Афғонистон Ислom Республикасидаги бекарорлик Марказий Осиёда терроризм, диний экстремизм, наркотрафик ҳамда ноқонуний кулор савдоси каби хавфли манбалар пайдо бўлишига олиб келди. Ўзбекистон Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш юзасидан бир

қатор ташаббусларни илгари сурди. Жумладан, Эрон, Хитой, Покистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, шунингдек, АҚШ ҳамда Россия иштирок этган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигидаги Афғонистоннинг “Қўшнилари ва дўстлари” номли “6+2” мулоқот ва келишув гуруҳи тузилди. 1998 йил 21 сентябрь куни Нью-Йоркда “6+2” форматда ташқи ишлар вазирларининг учрашуви уюштирилиб, унда Афғонистон масаласида ўзарo аңлашув жиҳатлари қабул қилинди. 1999 йил 19-20 июль кунлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмағида Афғонистон бўйича “6+2” гуруҳининг Тошкент олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда томонлар Афғонистондаги можарони тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойиллари ҳақидаги Тошкент декларациясини имзоладилар. Мазкур декларация ҳалиҳамон ушбу мамлакатнинг барча ички сиёсий қучлари томонидан қабул қилинган ҳамда БМТ томонидан тасдиқланган ягона расмий ҳужжатдир.

Анжуманда Ташқи ишлар вазирлиги бошқарма бошлиғи О. Акбаров халқаро ҳамжамият Афғонистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини қўллаб-қувватлаш мумимлигини тобора кўпроқ аңлаётганига тўхтади. Шу муносабат билан афгон мамлакатида тинчлик ва хавфсизликни тиклашнинг асосий масалалари бўйича кенг халқаро консенсусни тасдиқлаш масаласи янгиланмоқда.

Ўзбекистон Президентининг Афғонистон бўйича халқаро конференция ўтказиш ташаббуси кенг микёсда қўллаб-қувватланди. Матбуот маркази раҳбари — конференция матбуот котиби Шерзод Қудратхўжаевнинг маълум қилишича, нуфузли анжумани ёритишда қизиқиш ортиб бораётганлиги сабабли қисқа муддатда матбуот маркази ташкил этилди. Бу ерда маҳаллий ва хорижий журналистларнинг самарали фаолияти учун барча шaroит мавжуд. Хусусан, марказ замонавий коммуникация воситалари, офис жиҳозлари, тезкор интернет, Wi-Fi билан таъминланиб, бинода овқатлаш учун қулайликлар яратилди. Журналистларнинг турли қўшалардаги мамлакатлардан ташриф буюргани инobatга олинган ҳолда, матбуот маркази 24 soат ишлайди.

Конференция ишини ёритиш учун 300 га яқин оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтди. Улар орасида Америка Қўшма Штатларининг “The New York Times” газетаси, Хитой Халқ Республикасининг “Жэньминь Жибао” наشري, Буюк Британиянинг “BBC” компанияси, Япониянинг “NHK” корпорацияси, Россиянинг “Независимая газета” каби нуфузли оммавий ахборот воситалари бор.

Матбуот анжуманида экспертлар қайд этганидек, Ўзбекистон биргина конференция ўтказиш билан чекланиб қолмай, бундан кейин ҳам Афғонистонда тинчлик жараёнини фаол қўллаб-қувватлаш ишларини давом эттиради.

Қобил ХИДИРОВ,
Омонулла ҒАЙИЗОВ,
“Халқ сўзи” мухбирлари.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бизни умумий тарих, дин, маданият ва урф-одатлар ҳамда хавфсизликни таъминлаш, савдо-сотикни ривожлантириш соҳасидаги манфаатлар бирлаштиради. Тинч Афғонистон Марказий Осиё давлатларининг Ҳинд океани ва Форс кўрфазини портларига энг қисқа йўлини таъминлаши, Ҳиндистон, Эрон ҳамда Покистонни Европа ва Яқин Шарқ бозорлари билан боғлаши мумкин.

Шунинг учун ҳам Афғонистонни минтақавий муаммолар, таҳдидлар манбаи сифатида эмас, балки ноёб стратегик имкониятлар мамлакатини сифатида қараш ўринли. Бу эса, ўз навбатида, бутун Евроосиё минтақасида кенг трансминтақавий муносабатларни ривожлантиришга туртки беради.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Афғонистон билан икки томонлама муносабатларни сезиларли даражада кенгайтирди, афгон муаммосини ҳал қилиш бўйича халқаро савдо-ҳаракатларга фаол қўшилди. Ўзбекистон — Афғонистон муносабатлари юқори суръатларда ривожланаётгани мамлакатимиз раҳбари 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияси, ноябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтган Марказий Осиё бўйича юқори даражадаги анжуман ҳамда яқинда Остонада бўлиб ўтган минтақа давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувида илгари сурган Ўзбекистоннинг янги ташқи сиёсат стратегиясининг амалий натижасидир.

Бугун Тошкент Афғонистон билан савдо-иқтисодий, транспорт, энергетика ва маданий-гуманитар алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича изчил ҳамда қатъий сиёсат олиб борапти. Икки мамлакат раҳбарларининг мунтазамлик касб этган ўзарo мулоқотлари биргаликдаги ҳамкорликка катта туртки бўлмоқда. Президентлар дўстона ва самарали, ўзарo ишончга асосланган мулоқотни йўлга қўйишга эришилди. Шу маънода айтганда, ўтган йили декабрь ойида Афғонистон Президенти Ашраф Ғанининг мамлакатимизга расмий ташрифи том маънода тарихий воқеа бўлди. Ташриф давомида сиёсий мулоқот ҳамда амалий ҳамкорлик алоқалари сифат жиҳатидан янги bosқинга чиқди.

Музокаралар натижасида томонлар хавфсизлик, энергетика ва транспорт масалаларини қамраб олган 20 та қўшма ҳужжатни, шунингдек, қўшни мамлакатга ярим миллиард долларга тенг бўлган қурилиш материаллари, озик-овқат маҳсулотлари, бугўди, маиший техника, автотранспорт воситаларини етказиб беришга доир 40 та тижорат шартномасини имзоладил.

Вазирлик ҳамда идоралар раҳбарлари даражасида мулоқотлар фаоллашди. Ўтган бир ярим йил ичида Афғонистон Ислom Республикасида Ўзбекистонга 20 дан ортиқ юқори мартабали делегациялар ташриф буюрди. Қайд этиш керакки, бу ўзбек — афгон муносабатлари тарихида олдин кузатилмаган.

Жорий йилнинг февраль ойида Тошкентда Хавфсизлик масалалари бўйича Ўзбекистон — Афғонистон қўшма комиссиясининг илк мажлиси бўлиб ўтди. Учрашувда терроризм ва

Тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш йўлида амалий саъй-ҳаракатлар

экстремизмга қарши курашиш, кулор савдоси ҳамда гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланishi соҳасида ҳамкорликнинг долзарб масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Барча даражадаги жадал ва ишончли мулоқотлар, мамлакатлар раҳбарларининг сиёсий хоҳиш-иродаси икки томонлама ҳамкорликка янгича шуқуҳ бағишлади.

Биринчидан, 2017 йилнинг ўзида ўзарo савдо айланмаси 15 фоиз ўсиб, қарийб 600 миллион долларни ташкил қилди. Жорий йилнинг бошида ушбу тенденция давом этди: январь ойида товар айланмаси йиллик кесимда қарийб 30 фоиз ўсди. Ва эътиборлиси, бу бир йилнинг алоҳида кўрсаткичлари эмас, балки тизимли ишлар самараси-

ларни узoқ муддатли етказиб бериш бўйича келишувларга эришилди.

Шу билан бирга, автомобиль, қишлоқ ҳўжалиги машиналарини ишлаб чиқариш ҳамда тўқимачилик соҳаларида ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари қўрилаяпти. Ўзбекистонлик мутахассисларнинг Шимолий Афғонистонда истиқболли нефть ва газ конларини ўзлаштиришга кўмаклашиши имкониятлари ўрганилмоқда.

Иккинчидан, транспорт-коммуникация соҳасида ҳамкорлик натижасида Мозори Шариф — Ҳирот йўналиши бўйича трансaфгон транспорт йўлагини яратиш бўйича муҳим келишувга эришилди. Ушбу йўлак илгари Ўзбекистон томонидан қурилган биринчи транспорт йўлагини — Ҳайратон — Мо-

юклари ҳажми 70 фоиз ошди.

Учинчидан, Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий қиллаш ишларининг муваффақиятли кечишида энергетика соҳасидаги алоқалар ҳал қилувчи аҳамият касб этиши сир эмас. Ўзбекистон 15 йилдан ортиқ муддат давомида электр энергияси етказиб бериш борасида Афғонистоннинг ишончли шеригига айланди. Афғонистонга етказиб берилаётган электр энергияси ҳажми 2002 йилдагига қараганда 30 баравар кўпаяпти. 2018 йилнинг январидан Ўзбекистон Афғонистон учун экспорт қилинаётган электр энергияси нархини 35 фоиз арзонлаштирди.

Афғонистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи давомида 260 километрик Сурхон — Пули Хумри электр узатиш линиясини қуриш лойиҳасини амалга ошириш бўйича битим имзоланди. Унинг 45 километри Афғонистон ҳудудидан ўтади. Лойиҳалаш учун трассанинг координатлари келишувда. Ҳозирги пайтда лойиҳанинг техник-иқтисодий асоси ишлаб чиқилияпти.

Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида энергетика соҳасида амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар кўп жиҳатдан мултипликатив самара беради. Яъни Қобулга электр узатиш линияси қурилиши аҳоли учун ўткир электр танқислиги муаммосини ҳал қилибгина қолмасдан, ишлаб чиқариш қувватларини, янги корхоналарни ишга тушириш, иш ўринлари яратишда қўшима имкониятлар эшигини очади.

Тўртинчидан, таълим соҳасидаги ҳамкорлик алоқалари ҳам сифат жиҳатидан янги bosқинга чиқмоқда. Масалан, Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан Термизда Афғонистон фўқароларини ўқитиш таълим маркази очилди. Унда Афғонистон турли соҳалари учун малакали кадрлар тайёрланади. Бу борада истиқболли йўналиш сифатида темир йўл транспорти ва сервис соҳаси учун кадрлар тайёрлаш белгилab олинган.

Ўзбекистон эришилган ютуқлар билан чегараланиб қолмоқчи эмас. Тошкент умумминтақавий аҳамиятга эга транспорт лойиҳаларини амалга ошириш, кадрлар тайёрлаш, Афғонистондаги можаронини сиёсий йўл билан ҳал қилиш жараёнини қўллаб-қувватлаган ҳолда, мамлакатнинг тинч-осойишта равангага кўмаклашиш бўйича саъй-ҳаракатларини давом эттиради. Булар эса пировардида бутун Марказий Осиё минтақаси хавфсизлиги ҳамда тарққиётининг гаровига айланади.

Элдор АРИПОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ташқи ишлар вазирлигининг
Халқаро муносабатлар
ахборот-таҳлил маркази
директори.

Афғонистонлик ёшлар:

«Ўзбекистон ва Афғонистон Президентларининг дўстона муносабатлари бизнинг камолотимизда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади»

Дил сўзи

Ўзбек ва афгон халқларини яқин қўшничилик ва азалий дўстлик ришталари боғлаб туради. Ана шу жиҳатлар бугунги кунда кўпплаб масалалар бўйича яқин мулоқотни давом эттириш имконини берапти. Хусусан, 2017 йили Остонада бўлиб ўтган Ислom ҳамкорлик ташкилоти саммити доирасида Ўзбекистон ва Афғонистон Ислom Республикаси давлат раҳбарлари ўртасидаги музокаралар чоғида ўзарo ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадида Термиз туманида Афғон фўқароларини ўқитишга мўлжалланган ўқув марказини ташкил этиш режалаштирилганди. Шу келишув ижросини таъминлаш мақсадида жорий йил январь ойида Афғонистон фўқароларини ўқитиш таълим маркази фаолиятини бошлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 26-27 март кунлари “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусида бўлиб ўтадиган Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси олдидан мазкур таълим маскани талабаларининг айримлари пойтахтимизга келишди. Улар билан учрашиб, халқаро анжуман, марказда яратилган шарт-шaroитлар ҳақида фикр-мулоҳазалари билан қизикдик.



Раъно ШЕРЗОД
(Балх вилояти):

— Бугунги кунда биз, афгон ёшлари Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатлар ўртасида яқин қўшничилик муносабатлари тикланиб, ўзарo манфаатли ҳамкорликни мустақамлашга доир интилишлар кучайганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ички ва ташқи сиёсати, чиғал ва ечимини кутаётган

долзарб муаммоларни бартараф этиш йўлидаги журъати, матонати ва етакчилик қобилияти ҳал қилувчи аҳамият касб этаётир. Жумладан, Ўзбекистон раҳбарининг Афғонистон бўйича илгари суратётган таклифлари ҳар қанча таҳсинга лойик.

Бизнинг Афғонистон фўқароларини ўқитиш таълим марказимизда барча шарт-шaroит мўхайё этилган. Замонавий ўқув биноси, фаоллар зали, ошхона, спорт зали, стадион ва спорт майдонча-

лари, шунингдек, талабалар тураржойлари хизматимизда.

Қисқача айтганда, дўст ўзбек халқи бизни сaмимий ва очиқ чеҳра билан кутиб олганидан хурсандимиз. Ўзбекистонда таҳсил олиш мен учун фахр, албатта. Ўзим болалиқдан адабиёт ва санъатга ошуфтаман. Навоий ва Машираб девонларини севиб ўқийман. Уларнинг ижодида кўпплаб намуналарни ёд олганман.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ ёзиб олди.

Бу йилги Наврўз ҳаётбахш ўзгаришлар билан эсда қолмоқда

Мовий кўкда қушлар чуғурлашиб, шўх-шўх қанот қоқади. Соғинган, орзиқиб қутилган ажиб ифтор вужудимизни энтиктиради. Баҳор тароватидан ҳузурланамиз. Табиат бағрида катта шоду хуррамлик, шукроналик билан нишонланаётган Наврўз, унинг эзгуликка йўғрилган мазмун-моҳияти янада теранлик касб этади, гўзаллашади...

Шундай шуқуҳли дамларда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига байрам табриги қалбимизни янада сурур ва ғурурга тўлдирди. Айрим юртдошларимизнинг бу борадаги дил сўзларини ёзиб олдик.

ШУКУҲ

Эркин КОМИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
халқ артисти:

— Бу йилги Наврўз ҳаётбахш ўзгаришлар билан ёдда қолмоқда. Айёمنى кўтаринчилик билан қутиб олганимиз, Юртбошимизнинг халқ сайилларида иштирок этгани, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаевнинг Самарқанд шахрига ташриф буюриб, Ўзбекистон халқини Наврўз билан табриклагани бир умр эсда қоладиган воқеалардир.

Давлатимиз раҳбарининг халқимизга йўллаган байрам табригини жон қўлогимиз билан тингладик. Юракдан айтилган самимий сўзлар, эзгу тилаклар қалбимизнинг туб-тубига етиб борди, вужудимизни тўлқинлантириб юборди.

Президентимизнинг ҳар бир фикрида чуқур маъно, ҳаёт ҳақиқати мужассам эканини теран идрок қилдим. Табрикда қайд этилганидек, шу дилбар фаслда табиатдаги ўзгаришларга уйғун бўлиб, жамиятимиз, ҳаётимиз ҳам ўзга-

риб, янгиланиб бормоқда. Энг муҳими, бу янгиланишлар, ўзгаришлар нафақат мамлакатимизнинг шаҳару қишлоқлари қиёфасида, балки кайфиятимизда, онгу тафаккуримизда бўй кўрсатмоқда.

Наврўз сайилларида фольклор санъатининг энг яхши намуналарига кенг ўрин берилди, ҳунармандчилик кўргазмалари, ибратли оила, маҳалла, мактаб, моҳир бахши, лапарчи йўналишлари бўйича кўрик-танловлар ташкил қилинди, адабий-баддий учрашувлар, китоб байрамлари ўтказилди. Юртдошларимизнинг юз-кўзидаги мамнулик, шукроналик кайфияти кучимизга куч қўшиб, кўтаринчилик билан ижод қилишимизга янада ғайрат-шижоат бағишлайди.

Жалил КЕНЖАЕВ,
Жиззах вилоятининг Дўстлик
туманидаги “Манас” қишлоқ
фуқаролар йигини раиси:

— Юртбошимизнинг байрам табригини эъриштиёқ, фахр-ифтихор билан

эшитдик. Ҳар бир сўз, эзгу тилаклар ҳамюртларимиз қатори қишлоғимизда яшаётган каттаю кичикни тўлқинлантириб юборди. Президент айтётган — одамларнинг дарду ташвиши билан яшаш, кексаларга ҳурмат, муҳтож инсонларга эътибор ва ёрдам кўрсатиш, адолат ҳамда халқпарварликка йўғрилган ислохотларни, барча соҳада кечаётган туб ўзгаришларни ўз ҳаётингда кўрсанг, бошқача бўлар экан. Таъсирига, кўздан ёш чиқиб кетар экан. Биз, “Манас” аҳли қишлоғимиз “Обод қишлоқ” дастури асосида кўркам масканга айлантирилгани ва бу ҳаётимизда чин маънода янги саҳифа очиб берганидан беҳад хурсандимиз.

Бир вақтлар маҳалламиз комплекс тарзда бутунлай ободонлаштирилади, бу ерда шаҳарлардагидек шарт-шароитлар яратилади деса, тўғриси, ишонқирамай қарардик. Лойсувоқ томлару пахса деворлар ўрнида пишиқ гиштлардан замонавий уйлар қад ростлаши, қишда лой, ёзда чанг кўчалар асфальтлашиб, текис ва раvon йўлларга айланиши, фарзандларимиз учун кўркам қиёфа касб этган мактабларда замонавий компьютер ҳамда ўқув анжомлари асосида таълим олиш ҳаёлдаги гапдек эди. Президентимизнинг олижаноб ташаббуси билан ана шундай эзгу орзуларимиз ҳақиқатга эврилди, фаровон ҳаёт ҳақидаги истагу ниятларимиз рўёбга чиқди.

«Халқ сўзи» муҳбири
Дилшод КАРИМОВ ёзиб олди.

KALEON
International Business Press

«KALEON»

жамоаси сизларни

Наврўз айёми

билан самимий табриклайди!

Янгиланиш фасли файзу барака,

хурсандчилик, қувонч, бахт-омад келтирсин.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!



2844/103



«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ

жамоаси юртдошларимизни

қадимий ва ҳақиқат

навқирон Наврўз байрами

билан туборанбод этади!

Баҳор нафаси хонадонимизга

қут-барака, халқимизга

фаровонлик олиб келсин!

www.aab.uz

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

вакант (бўш) профессор-ўқитувчилар лавозимига танлов эълон қилади.

- Машинашунослик ва сервис хизмати кафедраси: катта ўқитувчи, ассистент.
- Табиий товларни дастлабки ишлаш технологияси кафедраси: доцент, катта ўқитувчи, ассистент.
- Технологик машиналар ва жиҳозлар кафедраси: доцент, катта ўқитувчи, ассистент.
- Чизма геометрия ва ахборот технологиялари кафедраси: катта ўқитувчи.
- Ижтимоий фанлар кафедраси: катта ўқитувчи.
- Ипак ва йигириш технологияси кафедраси: доцент, ассистент.
- Тўқимачилик материалшунослиги кафедраси: ассистент.
- Костюм дизайни кафедраси: доцент, катта ўқитувчи, ассистент.
- Чарм буюмларини конструкциялаш ва технологияси кафедраси: кафедра мудири, ассистент.
- Педагогика ва жисмоний маданият кафедраси: ассистент.
- Корпоратив бошқарув кафедраси: профессор, доцент, ассистент.
- Тиллар кафедраси: катта ўқитувчи, ассистент.
- Физика ва электротехника кафедраси: катта ўқитувчи, ассистент.
- Олий математика кафедраси: катта ўқитувчи, ассистент.
- Матбаа ва қадоқлаш жараёнлари технологияси кафедраси: профессор, ассистент.
- Кимёвий технология кафедраси: доцент, ассистент.
- Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш кафедраси: катта ўқитувчи, ассистент.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар ректор номига ариза билан кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, дипломлар ҳамда аттестатлар нусхалари, илмий ишлар ва ихтиролар рўйхати, малака оширганлик тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаларини топширадилар.

Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

Эслатма: мазкур институтда ишловчи шахслар ўтган муддат бўйича кафедрада ҳисобот берадилар, танловда иштирок этувчилар синов дарслари ўтказадилар.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси, 5-уй, 1-бино, 210-хона.
Телефон: (0-371) 253-17-78.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри жамоаси Ўзбекистон халқ артисти
Дилбар АБДУРАҲМОНОВнинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

“Жамият” ижтимоий-сиёсий газетаси жамоаси тахририятнинг собиқ ходими
Илҳом КАРОМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 345. 139 974 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Тахририятга келган қўлағмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Абилов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусахҳих — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.07 Топширилди — 02.50 1 2 3 4 5 6